

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Ўзбекистон Республикасининг
Марказий банкида

20 20 йил “ 7 ” март да
78 - рақам билан рўйхатга олинган

Марказий банк раисининг
биринчи ўринбосари



Б.Э.Захидов

**“АГРОБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
УСТАВИ**

(янги тахрирда)

“Агробанк” АТБ

акциядорларининг

2020 йил 20 мартдаги

умумий йиғилишида 41 - сонли
Баснома билан тасдиқланган.



Йиғилиш раиси

М.Ж.Норгитов

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. “Агробанк” акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда “банк” деб аталади) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1084-сонли “Агробанк” акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида”ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги 89-сон “Агробанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ ташкил этилган.

2. Банк ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ фирма номига ва қисқартирилган фирма номига эга.

Банкнинг фирма номи:

давлат тилида лотин ёзувида: тўлиқ – “Agrobank” aksiyadorlik tijorat banki; қисқартирилган номи – “Agrobank” АТБ;

давлат тилида кирилл ёзувида: тўлиқ – “Агробанк” акциядорлик тижорат банки, қисқартирилган номи – “Агробанк” АТБ;

рус тилида: тўлиқ – Акционерный коммерческий банк “Агробанк”, қисқартирилган номи – АКБ “Агробанк”;

инглиз тилида: тўлиқ - Joint stock commercial bank “Agrobank”, қисқартирилган номи – JSCB “Agrobank”.

Банк ўз фирма номидан мутлақ фойдаланиш ҳуқуқига эга.

3. Банк мулкӣ, молиявий ва бошқа мажбуриятлар бўйича, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини сақланиши ва ўз вақтида қайтарилишини кафолатловчи талаблар бўйича ОАТБ “Пахтабанк”нинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

4. Банк устав капитали акциядорларнинг банкка нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти акциядорлик жамияти деб эътироф этилади.

5. Банк юридик шахс бўлиб, у ўзининг ҳудудий бошқармалари, филиаллари, банк хизматлари марказлари ва офислари билан ягона тизимни ташкил этади. Банк ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол -мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол -мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

6. Банк ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлади. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Банк ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

7. Банк ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк

билан жавобгар бўлади. Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Банк давлатнинг мажбуриятлари бўйича, давлат эса банкнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, бундан банкнинг ёки давлатнинг ўзи бундай мажбуриятларни зиммасига олиш ҳоллари мустасно.

8. Банк давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки (бундан буён матнда “Марказий банк” деб юритилади) томонидан берилган лицензия асосида амалга оширади. Банк чекланмаган муддатга тузилади.

9. Банк Ўзбекистон Республикасининг банк тизими таркибига кириб, ўз фаолиятида қонун ҳужжатлари ва мазкур Уставга амал қилади.

10. Банк билан алоқа амалга ошириладиган:
жойлашган ер (почта манзил): 100096, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43, электрон почта манзил: e-mail: headoffice@agrobank.uz, internet: www.agrobank.uz.

2. БАНКНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

11. Банк ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади.

Банкнинг асосий мақсади юридик ва жисмоний шахсларга амалдаги қонунчиликка мувофиқ кенг кўламдаги сифатли банк хизматларини кўрсатиш орқали даромад олишдан иборат.

12. Қуйидагилар Банкнинг асосий вазифалари ҳисобланади:
қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи барча хўжалик юритувчи субъектларига ҳамда жисмоний шахсларга кредит бериш ва комплекс тарздаги банк хизматлари кўрсатиш;

барча мулкчилик шаклидаги корхоналарга ва жисмоний шахсларга, шу жумладан пахта ва ғалла маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ҳамда сотишга ихтисослашган корхоналарга кредит бериш ва молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб бориш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, агросаноат комплекси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга, замонавий чет эл технологиялари ва ускуналарини жалб этишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, шу асосда юқори сифатли, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан барқарор тўлдириш;

банкнинг ўз ва жалб қилинган ресурсларини йўналтириш, омонатлар ва депозитларнинг янги жозибадор турларини таклиф этиш йўли билан аҳоли ва корхоналарнинг маблағларини жалб қилиш, ушбу маблағлардан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда самарали фойдаланиш, мазкур маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;

халқаро молия институтлари ва етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ва грантларини жалб этиб, кейинчалик иқтисодиётнинг барча соҳаларида фаолият юритувчи хўжалик юритувчи

субъектлар ҳамда жисмоний шахсларни ана шу маблағлар ҳисобига қайта молиялаштиришдан иборат.

3. БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ

13. Банк амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги молиявий операцияларни амалга оширади:

пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш;

тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш;

кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш;

чет эл валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар;

жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш;

инкассация ва касса хизматларини кўрсатиш;

учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш;

учинчи шахслардан пул шаклидаги мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш (факторинг);

қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш;

аффинланган қимматбаҳо металллар сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан металлларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металлларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини юритиш;

қимматбаҳо металллардан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиш;

ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;

ҳужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун махсус биноларни ёки уларнинг ичидаги сейфларни ижарага бериш;

лизинг бериш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш;

молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

активлар мажмуини (портфелини) бошқариш;

электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш;

банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш.

Банк Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ бошқа молиявий операцияларни амалга оширади ҳамда банк хизматларини кўрсатади.

Банк хизматлар ва операцияларнинг айрим турларини шартнома асосида

ва узлуксиз асосда амалга ошириш учун учинчи тарафга Марказий банкнинг рухсатномаси олинганидан ва Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ аутсорсингга топшириш ҳуқуқига эгадир. Банк молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда мустақилдир.

14. Банк Марказий банкда, бошқа ваколатли резидент ва норезидент банклар ҳамда кредит ташкилотларида, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда пул маблағларини сақлаш ва ўз операцияларини амалга ошириш учун вакиллик ҳисобварағини очади.

4. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

15. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар ва бошқа бирлашмалар тузишга;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида филиаллар ва банк хизматлари марказлари (офислари)ни ташкил этиш, ваколатхоналар очишга;

чет элда шўъба банклар очиш ва филиаллар ташкил этиш, банкларнинг капиталида иштирок этиш, шу жумладан чет эл банкларини ташкил этишда иштирок этишга;

шартнома асосида пул маблағларини депозитлар, кредитлар шаклида банклардан жалб этиши ва уларга жойлаштириши, ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириши ҳамда лицензияда назарда тутилган бошқа молиявий операцияларни бажаришга;

мижозлар ўртасидаги муносабатларни шартномалар асосида амалга ошириш, шартномалар шартларини, кредитлар, депозитлар бўйича фоиз ставкалари, банк операцияларига оид воситачилик ҳақи миқдорини мустақил белгилашга;

банк хизматлари ва операцияларини амалга ошириш шартлари ва тартибини тасдиқлашга;

банк хизматлари ва операцияларини шартнома асосида ва узлуксиз асосда амалга ошириш учун учинчи тарафга аутсорсингга топширишга;

банк тасарруфида қоладиган соф фойда ҳамда бошқа маблағлар ҳисобидан захиралар ва фондлар ташкил этишга;

қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширишга;

молия ва хўжалик органларида корхоналар ва ташкилотлар манфаатларини уларнинг ишончномалари бўйича ифодалашга;

таъминланмаган кредит (ишончга асосланган кредит) бериш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Банк қуйидаги юридик шахсларни ташкил этиш ва (ёки) юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушларни ёки акцияларни олиш мумкин:

кредит, суғурта ва лизинг операцияларини профессионал асосда амалга

оширувчи юридик шахслар;

молия бозори инфратузилмасининг бир қисми бўлган ёки банкларга ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар;

қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар;

банкнинг кафолати остида қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш мақсадида мазкур банкнинг хорижда ташкил этиладиган шўба ташкилотлари;

фақат инкассация фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар;

банк операциялари бўйича ҳисоб-китоблар, шу жумладан банк карталари билан операцияларга доир ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида ўзаро боғлиқлигини таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар;

фонд ва валюта биржалари;

кредит бюrolари;

қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорига жойлаштирилган акцияларнинг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятлари.

Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо, суғурта фаолияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас. Ушбу чеклов қуйидаги ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди ва банк қуйидагиларни амалга ошириши мумкин:

банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимларида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган ускунани ва унга доир дастурий таъминотни сотиш ёки ижарага беришга;

ўз активларини сотишга;

чек дафтарчаларини чиқариш, реализация қилиш ва тарқатишга;

суғурта ташкилотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари номидан суғурта шартномаси тузилишини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширишга;

банк ўзи муассис бўлган юридик шахсларга ўз мол-мулкани мулкий ижара (аренда) шартномасига мувофиқ ижарага беришга.

16. Банк қуйидагиларга мажбурдир:

Марказий банк томонидан белгиланадиган пруденциал нормативларга риоя этиш;

Марказий банк томонидан белгиланган мажбурий захиралаш талабларини бажариш;

Марказий банк томонидан белгиланган ички назоратга ҳамда таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талабларга риоя этиши;

кредит ва лизинг операциялари бўйича эҳтимол тутилган зарарларни қоплаш учун Марказий банк томонидан белгиланган тартибда ва миқдорларда захиралар ташкил этиш;

гаровнинг (шу жумладан мол - мулк шаклидаги гаровнинг), бериладиган кафолатлар, кафилликлар ва мажбуриятларнинг етарлигини ҳисобга

оладиган ҳамда бериладиган кредитлар таъминланишининг ички норматив тартибини белгилаш;

ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ошкор этиш;

банкда ички аудит хизмати мавжуд бўлишини таъминлаш;

жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ банк сирини ёки бошқа сирни ташкил этадиган маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш.

Банк Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5. БАНКНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИ

17. Банкнинг устав капитали Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида шакллантирилади ҳамда банк муассислари ва акциядорлари киритган пул маблағларидан ёки давлатнинг қимматли қоғозларидан ташкил топади, бундан қуйидаги ҳоллар мустасно:

банк акцияларини банкнинг кредиторлари орасида жойлаштириш ва банкнинг кредиторлар олдидаги пул мажбуриятлари бўйича ҳар қандай ҳуқуқларини (талабларини) ҳисобга олиш йўли билан уларнинг ҳақини тўлаш;

қимматли қоғозларни банк акцияларига айирбошлаш;

банкнинг жойлаштирилган бир турдаги акцияларини бошқа турдаги акцияларига алмаштириш.

Банкнинг устав капиталини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан, шунингдек мажбурият юклатилган бошқа маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

18. Банкнинг устав капитали 4 393 016 527 216 (Тўрт триллион уч юз тўқсон уч миллиард ўн олти миллион беш юз йигирма етти минг икки юз ўн олти) сўм бўлиб, қуйидагилардан иборат:

а) эгасининг номи ёзилган оддий акциялар 3 760 644 287 (Уч миллиард етти юз олтмиш миллион олти юз қирқ тўрт минг икки юз саксон етти) дона;

б) эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар 500 000 (Беш юз минг) дона.

19. Банк устав капиталини ошириш мақсадида эълон қилинган акциялари 3 091 207 278 (Уч миллиард тўқсон бир миллион икки юз етти минг икки юз етмиш саккиз) дона акциялар, жумладан 500 000 (Беш юз минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли ва 3 090 707 278 (Уч миллиард тўқсон миллион етти юз етти минг икки юз етмиш саккиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

Банк акцияларининг номинал қиймати 1 168 (Бир минг бир юз олтмиш саккиз) сўм.

20. Банкнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Қўшимча акциялар банк томонидан ушбу Уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

Банкнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва банк Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар банк кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, акциялар учун тўлов тартиби, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак.

Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

Банкнинг устав капиталини кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда банк Уставида кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

21. Банкнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда банк томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Банк ўз акцияларини сотиб олиш учун Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт. Банк томонидан сотиб олинadиган ўз акцияларининг суммаси банк устав капиталининг ўн фоизидан ошиши мумкин эмас.

Банкнинг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва банк Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Банк устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

6. БАНК АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

22. Банкнинг акциядорлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

банк акциядорларининг реестрига киритилиш;

депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол - мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали банкни бошқаришда иштирок этиш;

банкнинг молия - хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат

органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;

1 (бир) фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари банк кузатув кенгаши мажлисини чақиришни, кун тартибига масала киритиш, фойдани тақсимлаш, банк бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш;

кўшимча акциялар чиқарилган ҳолатда акциядорлар устав капиталидаги улушига пропорционал равишда имтиёзли сотиб олиш.

Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

23. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Миноритар акциядор ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш, махфий ахборотлар ва банк (тижорат) сирларини қўллаш йўли билан банк бошқарувининг жорий фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

24. Бир турдаги акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

25. Банк акцияларини сотиб олиш учун жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида банкнинг устав капиталидаги 5 (беш) ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан 20 (йигирма) фоизни, 20 (йигирма) ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан 50 (эллик) фоизни, 50 (эллик) ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олишлари шарт.

Марказий банкнинг олдиндан розилигини олиш Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қуйидаги шахслар банк акцияларини бевосита ёки билвосита эгалик қилувчилари бўлиши мумкин эмас:

имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охириги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операцияларни ўтказишда ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ва ҳудудда (оффшор ҳудудларда) яшайдиган норезидент бўлган жисмоний шахслар ва шундай давлатда рўйхатга олинган юридик шахслар, акциядорлар (иштирокчилар), охириги бенефициар мулкдорлар;

давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, жамоат фондлари, халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, бюджетдан ташқари жамғармалар.

26. Акциядорлар банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар банкнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади. Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

7. БАНКНИНГ ФОНДЛАРИ ВА СОФ АКТИВЛАРИ

27. Банкда банк устав капиталининг ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилади.

Банкнинг захира фонди белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали шакллантирилади.

28. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, банкнинг захира фонди банкнинг зарарлари ўрнини қоплаш, банкнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва банкнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Банкнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

29. Банк қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа жамғарма ва фондларни ташкил этишга ҳақли.

30. Банк соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, банк активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Фондларнинг маблағлари қонун ҳужжатларига асосан ишлатилади.

8. БАНК АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

31. Банкнинг акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли акциялардан иборат. Банк акцияси бўлинмасдир.

32. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, банкни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига ва мазкур Уставга мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, банк тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ банк мол - мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқга эга.

33. Банк ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очик обуна ўтказишга ҳақли.

34. Банк ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, ёпиқ обуна ўтказиш имконияти қонун

ҳужжатларида ва мазкур Уставда чеклаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

35. Банк қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли. Корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш пул маблағлари билан амалга оширилади. Банкнинг корпоратив облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари банк кузатув кенгашининг қарорига асосан қонунчиликда белгиланган тартибда чиқарилади ва жойлаштирилади.

36. Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек банк тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига банк фойда кўриш - кўрмаслигидан қатъий назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар, агар Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни ва мазкур Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида банк Уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади.

37. Банкнинг жойлаштирилган имтиёзли акцияларининг номинал қиймати банк устав капиталининг 20 (йигирма) фоизидан ошмаслиги лозим.

38. Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивиденд акция номинал қийматининг 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида белгиланади.

39. Дивиденд банк соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд банкнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин. Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

40. Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, агар Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги

қонунлари ва мазкур Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Банкнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

41. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор банк кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори банк кузатув кенгаши томонидан тавсия қилинган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек мазкур Уставда дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлик бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

42. Дивидендлар банкнинг банк тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тўланади.

Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра банк ихтиёрида қолади.

43. Банк:

агар дивидендлар тўланадиган пайтда банкда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки банкда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар банк соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фонди суммасидан кам бўлса акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Шунингдек, банк акциядорларга дивидендлар тўлаш, шунингдек банкнинг кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофотлаш орқали фойдани тақсимлашни қуйидаги ҳолларда амалга оширишга ҳақли эмас:

пруденциал нормативлар Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;

ночорлик (банкротлик) бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида ночорликнинг (банкротликнинг) аломатлари юзага келганда;

Марказий банкнинг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс этирилган, шу жумладан ахборотни ошкор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаганда;

Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисида банкка

нисбатан талаби мавжуд бўлганда.

Ушбу банднинг биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, банк ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

44. Банк қуйидаги ҳолларда фойдани тақсимлаш учун Марказий банкнинг розилигини олиши керак:

Банк фойдасидан акциядорларга дивидендлар тўлаш, шунингдек банк кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофотлаш учун тўловларнинг умумий суммаси банкнинг ўз капиталининг ўн фоизидан ортганда;

жорий ёки ўтган чорақда ва (ёки) молия йилида зарар мавжуд бўлганда.

9. БАНКНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

45. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, банк кузатув кенгаши ва банк бошқаруви банкнинг бошқарув органлари ҳисобланади.

46. Акциядорларнинг умумий йиғилиши банкнинг юқори бошқарув органидир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини банк кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, банк кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

47. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай, одатда йилнинг 25 июнь санасида ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида банк кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек банкнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш, фойда ва зарарларни тақсимлаш, банк бошқаруви ва банк кузатув кенгашининг банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлари ҳисобланади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши банк кузатув кенгаши қарори билан унинг ўз ташаббусига биноан, тафтиш комиссияси, шунингдек банкнинг овоз берувчи акцияларини камида 5 (беш) фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар)нинг талаби билан ўтказилади. Шунингдек, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун талабларига мувофиқ Марказий банк акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришга ва кун тартибини белгилашга ҳақли.

Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) банкнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда банк кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли. Акциядорлар (акциядор) банк кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг

йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

48. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати банк кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорлар учун электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш мумкин.

49. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низом билан тартибга солинади.

50. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

а) банк Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки банкнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;

б) банкни қайта ташкил этиш;

в) банкни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) банк кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг қўп миқдорини белгилаш;

е) банкнинг устав капиталини камайтириш;

ё) ўз акцияларини олиш;

ж) банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

з) банк тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

и) банкнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

к) банкнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

л) банк кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан банк кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

м) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

н) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

о) баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг эллик фоизидан

ортиғини ташкил этувчи мол - мулк хусусида банк томонидан йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

п) йирик битим тузиш масаласи бўйича банк кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда банк томонидан йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

р) банк кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилланган шахс бўлган ҳолларда банк томонидан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳамда банкнинг аффилланган шахслари билан банк бошқаруви томонидан битимларни тузишни олдиндан маъқуллаш;

с) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

т) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар банк бошқарувида ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Мазкур Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар банк кузатув кенгашига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

51. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича қуйидагилар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади:

банкнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар;

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган ҳолларда банкнинг имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар.

Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, банкнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Ушбу Уставнинг 50 - банди “а”, “б”, “в”, “д”, “л”, “о”, “п” ва “р” кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

52. Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган низомда белгилаб қўйилади.

53. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

54. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартиб ва муддатларда, бироқ бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига

етказилади.

55. Банк кузатув кенгаши банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш жараёнида назорат ва текширув вазифасини бажаради ҳамда умуман банкнинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги учун жавобгар ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва мазкур Устав билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Банк кузатув кенгаши банкни самарали ва тадбирли бошқаришни, шу жумладан банк бошқаруви аъзолари ўртасида ваколатларнинг ҳамда жавобгарликнинг тақсимланишини, манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини ва бартараф этилишини таъминлайдиган бошқарув ташкилий тузилмасини белгилайди ҳамда унинг жорий этилиши устидан назорат ва текширувни амалга оширади.

Банк кузатув кенгаши аъзолари банкнинг оқилона корпоратив бошқарувига кўмаклашиши ҳамда ўз ваколатларини ва мажбуриятларини бажариш чоғида банкнинг, унинг омонатчилари ва акциядорларининг қонуний манфаатларини инобатга олиши, шунингдек Марказий банк билан самарали ҳамкорликни таъминлаши керак.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра банк кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) банк кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари “Агробанк” акциядорлик тижорат банки кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

56. Банк кузатув кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

иктисодиётнинг барча соҳаларида фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда жисмоний шахсларга кредит бериш ва молиялаштириш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ва қулайлигини оширишга йўналтирилган узоқ муддатли банк сиёсатини шакллантириш;

жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарни жорий этишга ҳамда ички истеъмол бозорини юқори сифатли озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга кўмаклашиш мақсадида кредит бериш ва уларни молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб бориш;

банкда замонавий корпоратив бошқарувни шакллантириш ва банк ижро этувчи органининг самарали фаолиятини таъминлаш;

банкнинг мақбул даражада капиталлашувини, ликвидлилигини унга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши ва мажбуриятларининг ўз вақтида амалга оширилиши учун етарли даражада сақлаб туриш;

универсал тижорат банки сифатида банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларга комплекс хизмат кўрсатиш учун шарт-шароитлар яратиш;

қишлоқ жойларида фаолият кўрсатаётган банк - молия инфратузилмасини фаоллаштириш ва кенгайтиришдан иборат.

57. Банк кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

банкнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек банк Уставига банкнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган узоқ муддатли стратегия асосида банкнинг қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес - режаларни тасдиқлаш. Бунда банкнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес - режаси банк кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланиши лозим;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

банк Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки банкнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол - мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

банк бошқаруви раисини тайинлаш, у билан бир йил муддатга меҳнат шартномасини тузиш, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

банк бошқаруви аъзоларини тайинлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

банк бошқарувига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

корпоратив маслаҳатчини ва корпоратив котибни тайинлаш ва уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

банк бошқарувининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва банк кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни банк бошқарувидан олиш. Банк кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

банкнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ

ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
банкнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
банкнинг филиалларини, банк хизматлари марказларини ташкил этиш, ва ваколатхоналарини очиш;
банкнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 34 - моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
банк томонидан корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
қимматли қоғозларнинг хосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол - мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш. Бундай қарор банк кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда банк кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди;
йирик битим тузиш масаласи бўйича банк кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш масаласини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ аффилиланган шахс билан банк томонидан битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;
активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги зарарларга қарши яратиладиган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада сақлаб турилишини таъминлаш;
манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;
банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;
банкнинг бошқаруви устидан назоратни амалга ошириш;

банкнинг қабул қилинган бизнес-режаси бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек ҳар чорақда банкнинг фаолияти натижалари тўғрисида банк бошқарувининг ҳисоботини эшитиш;

банкнинг ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш, шунингдек банк ички аудит хизматининг чорақлик ҳисоботлари асосида банк бошқаруви томонидан банк стратегиялари ва сиёсатларига риоя этилишини баҳолашдан ўтказиш;

банк бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва тушунтиришларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳслашиш;

банк фаолиятини бошқариш тизими самарадорлигини, шу жумладан банк бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;

бир йилда камида бир марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобот тақдим этиш;

йиллик молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;

банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга нисбатан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш.

Банк кузатув кенгашининг ваколат доирасига қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

58. Банк кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун банк бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

59. Банк кузатув кенгашининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида, амалдаги қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур Уставда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

Банк кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Банк бошқаруви аъзолари ва унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари банк кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар банк кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

60. Банк кузатув кенгашининг таркиби тўққиз аъзодан иборат. Банк кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилади, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин. Банк кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно.

Банк кузатув кенгаши аъзолари ўз мулоҳазаларининг мустақиллиги бўйича талабларга риоя этиши керак.

Банк кузатув кенгашининг аъзолигига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин Марказий банк билан келишилади.

Қуйидаги ҳолларда шахс кузатув кенгаши аъзолигига сайланиши мумкин эмас ёки сайланган шахс кузатув кенгаши аъзолиги ҳуқуқидан маҳрум этилади, агар:

шахс икки ёки ундан ортиқ банкнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлса ёки аъзо бўлиш ниятида бўлса, бундан мазкур банклар бир банк гуруҳига тегишли бўлган ҳоллар мустасно;

шахснинг ваколатлари Марказий банк талабига кўра муддатидан илгари тугатилган бўлса.

61. Банк кузатув кенгашини тузиш, мажлисларни ўтказиш, овоз бериш ва қарорлар қабул қилиш тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низом билан тартибга солинади.

62. Банк кузатув кенгашининг раиси банк кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу банк кузатув кенгаши таркибидан банк кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

63. Банк кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, банк кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

Банк кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини банк кузатув кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.

64. Банк кузатув кенгаши мажлиси банк кузатув кенгаши раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра ёки банк кузатув кенгаши аъзосининг, тафтиш комиссияси аъзосининг, банк бошқаруви аъзосининг, банк ички аудит хизмати раҳбарининг, банкнинг ташқи аудиторининг, Марказий банкнинг талабига кўра чақирилади.

65. Банк кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум банк кузатув кенгаши аъзолари белгиланган сонининг камида етмиш беш фоизини ташкил қилиши керак.

66. Банк кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонун ҳужжатларида, мазкур Уставда ва банк кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи низомда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Банк кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда банк кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

67. Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва банк Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар банк кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Банк кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) банк кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

68. Банк кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини банк кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди. Банк кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда банк кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда банк кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

69. Банк бошқаруви банкни бошқаришнинг ижро этувчи органи бўлиб, у банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади, банк кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган фаолият стратегияси ва уни бошқариш тизимига мувофиқ банкнинг фаолиятига оператив бошқарувни амалга оширади ҳамда банкнинг фаолияти учун жавобгарликни тўлиқ зиммасига олади.

Банк бошқаруви таркиби тўққиз аъзодан, шу жумладан банк бошқарув раиси ва унинг аъзоларидан иборат.

70. Банк бошқаруви таркибига банк бошқарув раиси, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер ва юридик хизмат раҳбари киради. Шунингдек банк бошқаруви таркибига банкнинг асосий бўлинмалари раҳбарлари киритилиши мумкин.

Банк кузатув кенгашининг ва бошқарувнинг аъзолигига ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимлар лавозимларига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин Марказий банк билан келишилади. Агар муҳим аҳамиятга эга ходимларни объектив сабабларга кўра олдиндан келишиб олишнинг имкони бўлмаса, банк кейинчалик розилик олиш учун сўровнома юборилади.

Бошқарув раиси танлов бўйича саралаш асосида танланади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ банк кузатув кенгаши томонидан тайинланади.

Бошқарув раисининг ўринбосарлари ва банк бошқаруви аъзолари амалдаги қонунчиликка мувофиқ банк кузатув кенгаши томонидан ўрнатилган тартибда тайинланади. Банк бошқаруви раиси ва банк бошқаруви аъзолари банк кузатув кенгаши томонидан ўрнатилган тартибда лавозимидан озод қилинади.

Банк бошқаруви раиси ва аъзолари билан меҳнат шартномаси бир йил муддатга тузилади.

71. Банк бошқарувининг ваколатлар ва мажбуриятларига қуйидагилар киради:

акциядорлар умумий йиғилиши ва банк кузатув кенгашида муҳокама этиладиган барча масалаларни олдиндан кўриб чиқади, улар юзасидан тегишли ҳужжатлар ва қарор лойиҳаларини тайёрлайди.

акциядорларнинг умумий йиғилиши ва банк кузатув кенгаши қарорларининг ижросини таъминлайди;

банкнинг кредит, инвестиция, дивиденд, эмиссия ва кадрлар сиёсатларини, шунингдек қонунчилик билан ўрнатилган бошқа ёзма сиёсатлари ва банкнинг ривожлантириш стратегиясини, бизнес-режасини ишлаб чиқади ҳамда уларни акциядорлар умумий йиғилиши ва банк кузатув кенгашига тасдиқлаш учун киритади. Банкнинг кредит ва бошқа сиёсатлари, банкнинг ривожлантириш стратегиясини, бизнес-режаси ижросини ва жорий этилишини таъминлайди;

банкнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки банк кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;

банкнинг Бош офиси таркибий бўлинмалари (департамент, бошқарма ва бўлимлар) тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

корпоратив бошқарувининг замонавий ва илғор услубларини жорий этади, Ўзбекистон Республикасининг Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини татбиқ этилишини ташкил қилади;

банкнинг корпоратив бошқарувга оид сиёсатни ишлаб чиқади;

банкда қонун ҳужжатлари ва ҳалқаро стандартларга мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритилишини ва молиявий ҳисобот тақдим этилишини, мониторинг қилиш ва таваккалчиликлар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини амалга оширади.

банкнинг фаолияти яқунларини, депозитларни қабул қилиш, активларни жойлаштириш, кредитлашни ташкил этиш, ҳисоб-китоблар, пул муомаласи, касса хизмати, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади;

хар чоракда банк кузатув кенгашига банкнинг молиявий ҳолати ва фаолияти, тасдиқланган бизнес-режа ижроси ҳақида ҳисобот тақдим этади;

банк хизматларининг янги турларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатиш, кредит, пул ва тўлов ҳужжатлари ва хат-ҳужжатларни расмийлаштиришнинг умумий шартлари ва тартибини белгилайди;

стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва таваккалчиликлар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини амалга ошириши;

банкнинг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан ваколатларни ва жавобгарликни банк ходимлари ўртасида ўз ваколатлари доирасида тақсимлашни таъминлаши;

банк ходимларининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириши;

банк бош офиси таркибий тузилмалари, ҳудудий бошқармалари, банк хизматлари марказлари ва филиаллари раҳбарларининг банк фаолиятининг аниқ йўналишлари бўйича тегишли даврлар ҳамда ишлар учун фаолият яқунлари тўғрисидаги, шунингдек улар фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш натижалари юзасидан ҳисоботларини кўриб чиқади;

банкнинг иш амалиётига энг илғор банк технологиялари, банк ишларини комплекс автоматлаштириш лойиҳалари жорий этилишини ташкил этади, замонавий банк инфратузилмаси яратилишини таъминлайди;

банк мижозларига кўрсатиладиган хизматлар бўйича фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақи миқдорини белгилайди;

зарарлар миқдорини камайтириш мақсадида банк активларининг диверсификацияланишини амалга оширади;

банк томонидан Марказий банк белгилаган иқтисодий нормативларга

ҳамда мажбурий захираларни шакллантириш юзасидан талабларга риоя қилинишини таъминлайди;

банкнинг капитали ва ликвидли ресурслари етарли даражада бўлишини, активларни таснифлаш орқали эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар яратилишини таъминлайди;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ банк бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини ташкил этади;

қонунчиликда белгиланган тартибда акциядорларнинг талаби бўйича молиявий ҳисоботни ва банк фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотларни уларга тақдим этади;

акциядорларнинг умумий йиғилиш ва банк кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлайди;

банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес-режасини бажариши, шунингдек банк акциядорларининг умумий йиғилишига ва банк кузатув кенгашига бажарилган ишлар, молиявий натижалар, банкка нисбатан қўлланилган чоралар ҳамда санкциялар тўғрисидаги ҳисоботни даврий равишда тақдим этади;

банк кузатув кенгашида кўриб чиқиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган узоқ муддатли стратегия асосида банкнинг қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес - режаларни ва банк кузатув кенгаши ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар бўйича таклифлар киритади;

банк тизимида қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив - ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши устидан назорат қилади;

банкнинг жорий фаолияти масалаларини тартибга соладиган ички меъёрий ҳужжатларни қабул қилади, тасдиқланиши банк акциядорлар умумий йиғилиши ва банк кузатув кенгаши ваколатига тегишли бўлган ички ҳужжатлар бундан мустасно;

ишчи органларни, шу жумладан банк кўмита ва комиссияларини тузади, уларнинг ваколатларини белгилайди, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

филиални бошқариш бўйича вақтинча бошқарувни ёки банкнинг ваколатли вакилини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади;

баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг ўн беш фоизигача бўлган миқдордаги битимларини тузиш тўғрисида қарорларни қабул қилади. Банк бошқаруви банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига асосан битимларни тузиш билан боғлиқ ваколатларини банкнинг кўмита ва комиссиялари, ҳудудий бошқармалари, филиаллари, банк хизматлари марказлари, шўъба ҳамда тобе корхоналарига бериши мумкин;

акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган ташкилий тузилмаси асосида банкнинг бошқарув ташкилий тузилмасини тасдиқлайди;

хар йили банкнинг кредит режасини шакллантиришда молиялаштириш мўлжалланаётган инвестиция лойиҳаларининг пухта танлаб олинишини, самарадорлиги комплекс баҳоланишини ва экспертизадан ўтказилишини

таъминлайди;

амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ўзини ўзи қоплаши, қўйилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши устидан тизимли мониторинг олиб боради ҳамда натижалари тўғрисида ҳар чоракда банк кузатув кенгашига ахборот беради;

хомийлик тўғрисидаги қонуни ҳужжатларига мувофиқ хомийлик ва хайрия ишларини амалга оширади;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ва банк кузатув кенгаши ваколати доирасидан ташқари бўлган қимматли қоғозларни чиқариш ва муомилада бўлиш тўғрисидаги қарор қабул қилади;

банк Уставида ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаради.

Банк бошқаруви банк акциядорларининг умумий йиғилишига ва банк кузатув кенгашига ҳисобдордир.

72. Банк бошқаруви раиси қуйидаги ваколатларга эга бўлади:

банкнинг кундалик фаолиятига тезкор раҳбарлик қилади;

банк номидан Уставга асосан ишончномасиз иш юритади;

бошқа ташкилотлар ва органлар билан бўлган ўзаро муносабатларда банкнинг манфаатларини ифодалайди;

банк номидан битим ва шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузади;

банкнинг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг мол - мулки ва пул маблағларини тасарруф қилади;

банк номидан ҳаракат қилиш учун ходимларга ишончномалар беради;

банкнинг бош офиси ходимларини, ҳудудий бошқармалар, филиаллар, ваколатхоналар ва шўъба корхоналар раҳбарларини тайинлайди, лавозим ойлик маошларини белгилайди ҳамда уларни лавозимдан озод қилади;

штатларни тасдиқлайди;

банк фаолиятини самарали ташкил қилиш мақсадида банкнинг ташкилий - бошқарув тузилмасига ўзгартиришлар киритади;

ходимларни рағбатлантиради, уларга нисбатан интизомий жазоларни қўллайди, шунингдек интизомий жазоларни олиб ташлайди;

банкнинг таркибий тузилмалари ҳақидаги низомлар ва лавозим мажбуриятларини тасдиқлайди;

бошқарув раиси ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

ўз ваколати доирасида банк тизимида бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ, фармойиш ва кўрсатмаларни беради;

бошқарув раиси амалдаги қонунчилик, мазкур Устав ва банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига биноан бошқа ваколатларга эга бўлади.

73. Банк бошқаруви раиси билан меҳнат шартномасини банк номидан банк кузатув кенгаши раиси ёки банк кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди. Бошқарув раисининг ўринбосарлари, бошқарув аъзолари ва банк бош бухгалтери билан меҳнат шартномаларини банк номидан банк бошқаруви раиси имзолайди.

74. Бошқарув раиси банкнинг бош офиси ходимларини, ҳудудий

бошқармалар, филиаллар, ваколатхоналар ва шўъба корхоналар раҳбарларини буйруқ билан тайинлайди ва улар билан банк номидан меҳнат шартномаларини тузади.

75. Банк бош офиси ходимлари билан қонун ҳужжатлари ва мазкур Уставга мувофиқ банк бошқаруви раиси, ҳудудий бошқармалар ходимлари билан ҳудудий бошқармалар бошлиқлари, филиаллар ходимлари билан банк филиаллари бошқарувчилари меҳнат шартномалари тузадилар.

76. Банк бошқаруви ва банкнинг таркибий тузилмалари раҳбарлари банк ҳисоботидаги ахборотнинг ишончлилиги учун жавоб беради.

77. Банк кузатув кенгаши ва бошқарувнинг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда банкнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Банк кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзоларининг банк олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

78. Банк бошқарувини тузиш, мажлисларни ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш тартиби акциядорлар умумий йиғилиш томонидан тасдиқланадиган низом билан тартибга солинади.

10. БАНКНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

79. Банк акциядорлик жамияти шаклидаги юридик шахс ҳисобланиб, у ўзининг ҳудудий бошқармалар, филиаллар, банк хизматлари марказлари, ваколатхоналар, шўъба ва тобе корхоналар билан ягона банк тизимини ташкил этади.

80. Банкнинг ҳудудий бошқармалари, филиаллари ва банк хизматлари марказлари юридик шахс ҳисобланмайди. Уларнинг мажбуриятлари юзасидан банк жавоб беради.

Банк ҳудудий бошқармалар, филиаллар ва банк хизматлари марказлари ўз фаолиятини ўрнатилган тартибда тасдиқланган низом асосида юритади.

11. БАНКНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ

81. Банк бухгалтерия ҳисобини Марказий банк томонидан белгиланган қоидалар асосида ишлаб чиқилган ички ҳисоб-китоб сиёсатига мувофиқ ташкил этади ва юритади.

82. Банкдаги бухгалтерия ҳисоби:

бошқарувга, молияга, солиққа ва назоратга оид ҳисоботнинг ҳамда бошқа ҳисоботларнинг ишончлилигини, уларда банкнинг ҳақиқий молиявий ҳолати ва фаолияти натижалари акс эттирилишини;

банк активларини ва юзага келувчи таваккалчиликларни бошқариш хавфсизлигини;

банк акциядорлари ва кузатув кенгаши томонидан банкнинг молиявий аҳволини ва унинг мансабдор шахсларининг ишини назорат қилиш имкониятини таъминлаши керак.

83. Банкда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек банкнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот

воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик банк бошқарувининг зиммасида бўлади.

84. Банкнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари банк ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

85. Банк молиявий ҳисоботларни, банклар гуруҳининг асосий банки консолидациялашган молиявий ҳисоботларни уларда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини аудиторлик ташкилоти тасдиқлаганидан кейин Марказий банк томонидан белгиланадиган шаклда эълон қилади.

86. Банк ўз маблағларига, капиталга доир талабларнинг бажарилишига, ликвидликка, таваккалчиликларнинг қийматига ва бошқа муҳим кўрсаткичларга (нормативларга) доир ахборотни ошкор этиши керак.

87. Банк ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни Марказий банк томонидан белгиланган шаклларда, тартибда ва муддатларда тузади ҳамда Марказий банкка тақдим этади.

Банк Марказий банкнинг талабига кўра консолидациялашган, даврий, шунингдек бир марталик ҳисоботларни тақдим этади.

Банк Марказий банкка тақдим этиладиган ҳисоботларнинг ва бошқа маълумотларнинг яхлитлиги ҳамда ишончлилиги учун жавобгардир.

88. Банкнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай банкнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

89. Банк Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

90. Банк ошкор этилиши мажбурий бўлган ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳажмда, муддатларда ва тартибда амалга оширади, шунингдек ўзи томонидан эмиссия қилинадиган қимматли қоғозларга тегишли бўлган ахборотни эълон қилади.

91. Банкнинг молиявий йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

92. Банк банк фаолияти давомида шаклланадиган ҳужжатларнинг лозим даражада ҳисобга олиниши, сақланиши ва ундан фойдаланилишини таъминлайди.

Банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддат мобайнида ҳужжатларнинг сақланишини таъминлайди.

12. БАНК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

93. Банкнинг молия - хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга 3 кишидан иборат банк тафтиш комиссияси сайланади.

94. Банк тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айти бир шахс банк тафтиш комиссияси таркибига кетма - кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

95. Банк тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида банк кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

96. Банкнинг молия - хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, банк кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра банк кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

97. Ўз функцияларини бажариш пайтида банк тафтиш комиссияси қуйидагиларни амалга оширади:

банк мол - мулкни тафтишдан ўтказиш, уларни банк молиявий ҳужжатлари ва бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш;

банк номидан тузилган шартномалар, амалга оширилган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб - китобларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;

банкнинг молиявий ҳолатини, унинг тўловга лаёқатлилигини, активларининг ликвидлилигини, ўз ва жалб қилинган маблағлари нисбатини таҳлил қилиш, захиралар яратиш, банк бошқаруви органлари учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

давлат солиқ ва статистика органлари, давлат бошқарув органлари учун банк баланси, ҳисобот ҳужжатларининг тўғри тузилганлигини текшириш.

98. Банкнинг молия - хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра банк тафтиш комиссияси хулоса тузади ва хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

99. Банк тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

100. Банкда ички аудит хизмати ташкил этилади. Банк ички аудит хизмати банкнинг жорий фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Банк ички аудит хизмати банк кузатув кенгашига ҳисобдордир.

101. Банк ички аудит хизмати банк Бошқаруви, филиаллар ва ваколатхоналар томонидан қонун ҳужжатларига, банк уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек банкни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали банк Бошқаруви, филиаллар ва ваколатхоналар ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

102. Банкнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, агар қонунда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

103. Банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аудиторлик ташкилотини жалб қилади.

Аудиторлик ташкилоти банк билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк молия - хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

104. Аудиторлик ташкилоти банкнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун банк олдида жавобгар бўлади.

105. Банкда банк кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи банк корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади.

106. Банк корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти банк кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

107. Банк акциядорлар ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш банк акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган банкнинг манфаатлар карама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида низом асосида амалга оширилади.

13. БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ

108. Банкни қайта ташкил этиш рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари ҳисобга олинган ҳолда, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида Марказий банкнинг рухсати билан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Банкни қайта ташкил этиш Марказий банкнинг талабига биноан ҳам амалга оширилиши мумкин.


14. БАНК УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

109. Банк Устави, шунингдек унга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда қабул қилинади ҳамда Марказий банкда рўйхатга олинади.


15. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

110. Ушбу Уставда назарда тутилмаган муносабатлар акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Бошқарув раиси



Р.Маматкулов



Тикилган ва рақамланган

Бош бухгалтер

28 (Йигирма саксиз) варақдан иборат

Бошқарув раисининг
биринчи ўринбосари



А.О.Йўлдошов

Ш.Г.Идрисов

Handwritten signature in blue ink.

“АГРОБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

41 - сонли

БАЁННОМАСИ

2020 йил 20 март
соат 10-00

Тошкент шаҳар
Муқимий кўчаси, 43-уй

“Агробанк” акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда “Банк” деб юритилади) акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорлар ва уларнинг вакилларига тегишли овоз берувчи акциялар сони **3 657 118 138** дона. Жами овоз берувчи акциялар сони **3 761 144 287** дона. Йиғилиш кворуми **97,2** фоиз.

РАИСЛИК ҚИЛДИ

М.Ж.Норгитов

Қатнашдилар :

Банк акциядорлари ва уларнинг вакиллари (рўйхат илова этилади).

Кенгаш аъзолари :

М.Ж.Норгитов, Н.Я.Хамрахўжаев.

Банк Бошқаруви :

Р.У.Маматкулов, Ш.Г.Расулов,
М.А.Ачилов, Ш.Ш.Мирзаев, И.С.Аманов,
А.О.Йўлдошев, Ж.А.Саипов.

Таклиф этилганлар:

Банкнинг таркибий тузилмалари
рахбарлари

М.Ж.Норгитов - Банк акциядорлари умумий йиғилиши котиби этиб,
Банк аппарати ходими **З.У.Маматкулов** номзоди маъқулланди.

ЭШИТИЛДИ:

М.Ж.Норгитов - Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибини тасдиқлаш тўғрисида.

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартиби кўйидагича тасдиқлансин:

КУН ТАРТИБИ :

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
3. Банкнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш.
4. Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
5. Банкнинг айрим ички меъёрий хужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида.
6. “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Банк Кенгаши тўғрисида”ги, “Банк Бошқаруви тўғрисида”ги, “Банк Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги, “Банк Санок комиссияси тўғрисида”ги, “Банк Кенгаши ва Бошқарувининг акциядорлар умумий йиғилишида берадиган ҳисоботларига кўйиладиган талаблар тўғрисида”ги, “Банкнинг ички назорат органлари билан банк Кенгаши, акциядорларнинг умумий йиғилиши ва акциядорларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида”ги, “Банкнинг манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги, “Банк Бошқаруви раиси лавозимига танлов ўтказиш тўғрисида”ги ва “Банкнинг дивиденд сиёсати тўғрисида”ги Низомларини тасдиқлаш.

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш кун тартибидаги 1 - масала

Йиғилиш раиси Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибига банк Кенгаши томонидан тавсия этилган кўйидаги номзодларни тасдиқлашини акциядорлардан сўради.

Додокозиев Равшанбек Рустамович - Банкнинг Ходимлар билан ишлаш департаменти Ўқув маркази бошлиғи, комиссия раиси.

Очиллов Шухратилла Тоштемирович - Банкнинг Ғазначилик департаменти бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси.

Талипова Гулнора Нигматуллаевна - Банкнинг Ғазначилик департаменти бош мутахассиси, комиссия аъзоси, комиссия котиби.

Йиғилиш кун тартибидаги 2 - масала

Йиғилиш раиси Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан йиғилиш раиси томонидан кун тартибидаги масалалар бўйича маъруза ва музокарага чиқувчилар учун йиғилиш регламентини кўйидаги тартибда тасдиқлаб олиш сўралди:

Кун тартибидаги масалалар бўйича 30 дақиқагача, музокарага чиқувчилар учун 5-10 дақиқагача вақт ажратилиши таклиф этилди.

Йиғилиш кун тартибдаги 3 - масала

Банкнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш юзасидан Юридик департаменти директори **Ж.А.Саиповнинг** маърузаси эшитилди:

Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги янги тахрирдаги қонунлари шунингдек, 2019 йил 16 ноябрдаги 28/1, 28/2-сонли Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қарорлари ҳамда банк акциядорларининг 2019 йил 23 октябрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилишида қабул қилинган Корпоратив бошқарув Қоидалари талабларидан келиб чиқиб, банкнинг Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳолда банкнинг янги тахрирдаги Устави ишлаб чиқилиб, банк Бошқарувида ва банк Кенгаши йиғилишларида кўриб чиқилиб тасдиқлаш учун банк Акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига киритилиши тўғрисида қарор қабул қилинган.

Жумладан, банк Уставининг тегишли бандларига Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги янги тахрирдаги қонунлари талабларига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 59 ва 60-моддаларига асосан банкнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киради ҳамда ушбу масала бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Шунга кўра, банкнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш масаласи банк акциядорлари эътиборига ҳавола этилмоқда.

Йиғилиш кун тартибдаги 4 - масала

Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш юзасидан HR департаменти директори **Н.Б.Джияновнинг** маърузаси эшитилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4720-сонли Фармони, “Корпоратив бошқарув кодекси” ҳамда “Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув Қоидалари” тавсияларига мувофиқ банк корпоратив бошқарувининг тизимли ишлаш механизмини такомиллаштириш

ва корпоратив муносабатларни мувофиқлаштириш мақсадида банкларда мустақил таркибий тузилма ташкил этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Базель Қўмитасининг ҳужжатларида банкларга белгиланган талабларга асосан самарали корпоратив бошқарув банкнинг муваффақиятли фаолиятининг муҳим шарти ҳисобланиб, барқарор ривожланишни аниқловчи, акциядорлар, мижозлар ва бошқа алоқадор шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, молиявий ташкилотнинг фаолиятини ривожлантириш соҳасидаги энг муҳим йўналиш бўлиб хизмат қилиши белгиланган.

Ўз навбатида, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибadorлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, банкни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш, шу билан бирга банк бошқаруви органлари ўртасида муносабатларни амалдаги талабларга мувофиқлаштириш мақсадида, банк Кенгашига бўйсунувчи алоҳида тузилма ташкил этилиши зарурияти юзага келмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Базель Қўмитасининг талабларига асосланган ҳолда банк корпоратив бошқаруви тизимини такомиллаштириш мақсадида банк Кенгашига бўйсунувчи Корпоратив бошқарув хизмати таркибий тузилмасини ташкил этиш, банк ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш, банк Бошқарув ва банк Кенгаш муҳокамасида кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун банк акциядорлари эътиборига ҳавола этилмоқда.

Йиғилиш кун тартибидаги 5 - масала

Банкнинг айрим ички меъёрий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунлари кучга кирганлиги ҳамда банкнинг янги таҳрирдаги ички меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқиб тасдиқланганлиги муносабати билан амалдаги ички меъёрий ҳужжатлар ўз кучини йўқотганлиги инобатга олинсин.

Йиғилиш кун тартибидаги 6 - масала

Банкнинг янги таҳрирдаги “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Банк Кенгаши тўғрисида”ги, “Банк Бошқаруви тўғрисида”ги, “Банк Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги, “Банк Санок комиссияси тўғрисида”ги, “Банк Кенгаши ва Бошқарувининг акциядорлар умумий йиғилишида берадиган ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги, “Банкнинг ички назорат органлари билан банк Кенгаши, акциядорларнинг

умумий йиғилиши ва акциядорларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида”ги, “Банкнинг манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги, “Банк Бошқаруви раиси лавозимига танлов ўтказиш тўғрисида”ги ва “Банкнинг дивиденд сиёсати тўғрисида”ги Низомларини тасдиқлаш юзасидан Юридик департаменти директори **Ж.А.Саиповнинг** маърузаси эшитилди:

Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунлари шунингдек, 2019 йил 16 ноябрдаги 28/1, 28/2-сонли Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қарорлари ҳамда банк акциядорларининг 2019 йил 23 октябрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилишида қабул қилинган Корпоратив бошқарув Қоидалари талабларидан келиб чиққан ҳолда банкнинг янги таҳрирдаги “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Банк Кенгаши тўғрисида”ги, “Банк Бошқаруви тўғрисида”ги, “Банк Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги, “Банк Санок комиссияси тўғрисида”ги, “Банк Кенгаши ва Бошқарувининг акциядорлар умумий йиғилишида берадиган ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги, “Банкнинг ички назорат органлари билан банк Кенгаши, акциядорларнинг умумий йиғилиши ва акциядорларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида”ги, “Банкнинг манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги, “Банк Бошқаруви раиси лавозимига танлов ўтказиш тўғрисида”ги ва “Банкнинг дивиденд сиёсати тўғрисида”ги Низомлари ишлаб чиқилган. Банк акциядорларини ушбу Низомлар лойиҳалари билан таништирилди.

Шунга кўра, банкнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш масаласи банк акциядорлари эътиборига ҳавола этилмоқда.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун талабларидан келиб чиқиб, кун тартибига киритилган масалалар юзасидан қарор қабул қилиш акциядорлардан сўралади.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

I. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш

(М.Ж.Норғитов)

овоз бердилар - 3 657 118 138 овоз

тарafdорлар - 3 657 118 138 овоз, бетарафлар ва қаршилар - йўқ.

1.Банк санок комиссияси куйидаги таркибда тасдиқлансин:

Додокозиев Равшанбек Рустамович - Банкнинг Ходимлар билан ишлаш департаменти Ўқув маркази бошлиғи, комиссия раиси.

Очилов Шухратилла Тоштемирович - Банкнинг Ғазначилик департаменти бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси.

Талипова Гулнора Нигматуллаевна - Банкнинг Ғазначилик департаменти бош мутахассиси, комиссия аъзоси, комиссия котиби.

II. Йиғилиш регламентини тасдиқлаш

(М.Ж.Норгитов)

овоз бердилар - 3 657 118 138 овоз

тарафдорлар - 3 657 118 138 овоз, бетарафлар ва қаршилар - йўқ.

2. Банк акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалар бўйича 30 дақиқагача, музокарага чиқувчилар учун 5-10 дақиқа вақт ажратиш орқали йиғилиш регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

III. “Агробанк” АТБнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш

(М.Ж.Норгитов, Ж.А.Саипов, М.Ж.Норгитов)

овоз бердилар - 3 657 118 138 овоз

тарафдорлар - 3 657 118 138 овоз, бетарафлар ва қаршилар - йўқ.

3.1. Банкнинг янги таҳрирдаги Устави 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3.2. Банк Бошқаруви зиммасига банкнинг янги таҳрирдаги Уставини амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида рўйхатдан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

IV. “Агробанк” АТБнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш

(М.Ж.Норгитов, Н.Б.Джиянов, М.Ж.Норгитов)

овоз бердилар - 3 657 118 138 овоз

тарафдорлар - 3 657 118 138 овоз, бетарафлар ва қаршилар - йўқ.

4. Банкнинг ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

V. Банкнинг айрим ички меъёрий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

(М.Ж.Норгитов, Ж.А.Саипов, М.Ж.Норгитов)

овоз бердилар - 3 657 118 138 овоз

тарафдорлар - 3 657 118 138 овоз, бетарафлар ва қаршилар - йўқ.

5. Банкнинг 4-иловага мувофиқ айрим ички меъёрий ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

VI. “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Банк Кенгаши тўғрисида”ги, “Банк Бошқаруви тўғрисида”ги, “Банк Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги, “Банк Санок комиссияси тўғрисида”ги, “Банк Кенгаши ва Бошқарувининг акциядорлар умумий йиғилишида берадиган ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги,

“Банкнинг ички назорат органлари билан банк Кенгаши, акциядорларнинг умумий йиғилиши ва акциядорларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида”ги, “Банкнинг манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги, “Банк Бошқаруви раиси лавозимига танлов ўтказиш тўғрисида”ги ва “Банкнинг дивиденд сиёсати тўғрисида”ги Низомларини тасдиқлаш.

(М.Ж.Норғитов, Ж.А.Саипов, М.Ж.Норғитов)

овоз бердилар - 3 657 118 138 овоз


тарafdорлар - 3 657 118 138 овоз, бетарафлар ва қаршилар - йўқ.

“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 36-моддасига асосан банк Кузатув кенгаши аъзолигига сайланган номзодлар лавозимиغا келишидан олдин Марказий банк билан келишиш белгиланган. Банк Кузатув кенгаши аъзолигига сайланган Фозилкаримов Отабек Рустамович номзодини розилик олиш учун Марказий банкка 2021 йил 12 октябрдаги 11-2-12918-сонли хати юборилган.

2021 йил 29 октябрдаги Марказий банкнинг 27-17/663-сонли хатига асосан номзод банкка алоқадор бўлганлиги сабабли қонун талабларига мувофиқ эмас деб топилган. Шунингдек хатда банк Кузатув кенгаши аъзолари кўпчилиги банкка алоқадор бўлган шахслардан таркиб топганлиги сабабли қонунчилликка мувофиқ Кузатув кенгаши аъзоларини қайта кўриб чиқиш зарурлигини билдирган.

Шу сабабли банк Кузатув кенгаши аъзоси Фозилкаримов Отаб Рустамовични банк Кузатув кенгаши аъзоси такибидан чиқариш такли этилади.

Муҳокамадан сўнг, кун тартибидаги тўртинчи масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар: 4 694 546 562 та овоз, 100 фоиз,

Бетарафлар: 0 та овоз, 0 фоиз, **Қаршилар:** 0 та овоз, 0 фоиз.

5. Банк Уставига ўзгартиришлар киритиш.

(Н.М.Дарвишев, М.Ф.Гуломжонов, Н.М.Дарвишев)

Йиғилиш кун тартибидаги бешинчи масала бўйича йиғилиш раиси Н.М.Дарвишев сўзни банк Юридик департаменти директори ўринбосари М.Ф.Гуломжоновга берди.

Банк Юридик департаменти директори ўринбосари М.Ф.Гуломжонов сўзга чиқиб қуйидагиларни маълум қилди.

“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг 2021 йил 12 июл, Р0226-27-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисида”ги қарорига асосан чиқарилган номинал қиймати 1 168 сўм бўлган 599 315 068 дона умумий қиймати 699 999 999 424 сўмлик акцияларнинг номи ёзилган оддий акциялар 2021 йил 26 августда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигига белгиланган тартибда жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ташкили ва фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасига мувофиқ жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўлайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдоридан рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставидан кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тарафиндан 2020 йил 30 июнда 3252-рақам билан рўйхатга олинган “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомнинг 140-бандига асосан банк филиали тўғрисидаги маълумотлар банк Уставига киритилган бўлиши лозим. Банк филиали ташкил этилгандан ёки йиллик маълумотларидан сўнг, бўлиб ўтадиган акциядорларнинг умумий йиғилиши, банкнинг Уставига киритиладиган тегишли ўзгартиришларни тасдиқлаш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ташкили ва фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 59

60-моддаларига асосан банк Уставига кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ақциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киради ҳамда у масала бўйича қарор ақциядорлар умумий йиғилиши томонидан ақциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи ақциядорларнинг эгалари бўлган ақциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилиги (малакали кўпчилиги) овози билан қабул қилинади.

Шунга кўра, банк Уставига киритилаётган ўзгартиришларни тасдиқлаб бериш ақциядорлардан сўралди. Банк Уставига киритилаётган ўзгартиришлар матни илова қилинади.

Муҳокамадан сўнг, кун тартибидаги бешинчи масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар: 4 694 546 562 та овоз, 100 фоиз,

Бетарафлар: 0 та овоз, 0 фоиз, **Қаршилар:** 0 та овоз, 0 фоиз.

Юқоридагиларга кўра, “Ақциядорлик жамиятлари ва ақциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун талабларидан келиб чиққан кун тартибига киритилган масалалар юзасидан

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Санок комиссияси уч кишидан иборат куйидаги таркибда тасдиқлансин:

Додокозиев Равшанбек Рустамович - Банкнинг HR департаменти ўзбекистон бўлими бошлиғи.

Мурадов Асқар Облабердиевич - Банкнинг Ахборот технологиялари департаменти бошқарма бошлиғи.

Рузикулов Гайрат Норбоевич - Банкнинг Ҳазначилик департаменти Дивидендликни бошқариш бошқармаси Миллий валютадаги кредит операциялари билан ишлаш бўлими бош мутахассиси.

2. Банк ақциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тасдиқлансин (1-илова).

3. 2021 йил 1 ноябрь ҳолатига банкнинг 2020 йилнинг тақсимланмиш дивиденди 823,8 млн. сўм ҳамда 2021 йил 1 январь ҳолатига асосий воситалаштириш баҳолаш ижобий фарқидан шаклланди 9115,6 млн. сўм жамғарма 98 939,4 млн. сўм фойдаси “Стандарт” активларнинг захира жамғармасига ўтказилсин.

4. Банк Кузатув кенгаши аъзоси Фозилкаримов Отабек Рустамович Банк Кузатув кенгаши таркибидан чиқарилсин.

5. Банкнинг Уставига киритилган ўзгартиришлар матни тасдиқла (2-илова).

5.1. Банкнинг Уставига киритилган ўзгартиришлар матни амал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказилсин.


6. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш банк Бошқарувиغا назорат қилиш банк Кузатув кенгашига топширилсин.

Ўйғилиш раиси томонидан кун тартибига киритилган масалалар кўриб чиқилиб тегишли қарорлар қабул қилинганлиги муносабати Ўйғилиш ёпиқ деб эълон қилинади.

Ўйғилиш раиси


Н.М.Дарвишев

Ўйғилиш котиби


И.Х.Каримова

2021 йил “ 9 ” де

Бошқарув раиси


Р.У.Маматкулов

Юридик департаменти
директори ўринбосари


М.Ғуломжонов

O'zbekiston Respublikasi, Toshkent sh., Muqimiy ko'chasi, 43
203-88-88, (78) 150-67-40. Faks: (78) 150-53-95
headoffice@agrobank.uz
www.agrobank.uz

2021 йил 10 декабрь

2-12/1081

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банк раисининг
биринчи ўринбосари
Б.Э.Захидовга

Хурматли Ботир Эркинович !

Ушбу хат билан 2021 йил 30 ноябрда бўлиб ўтган "Агробанк"
акциядорлик тижорат банки акциядорларининг навбатдан ташқари умумий
йиғилишининг 46-сонли мажлис баёнига асосан банкнинг Уставига
киритилган ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилмоқда.

Илова:

*Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2021 йил
30 ноябрдаги 46-сонли мажлис баёни уч нусхада;
"Агробанк" АТБнинг Уставига киритилган ўзгартиришлар матни уч
нусхада.*

Хурмат билан,

Бошқарув раиси



[Handwritten signature]
Р.У.Маматкулов

13.12.2021

Тикилган ва рақамланган

18 (тин сарғу)

Қарақанди қорат

20. декабрь 2021 йили

ИМЗО



“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Ўзбекистон Республикасининг
Марказий банкида
2022 йил “15” ИЮН да
78-3 рақам билан рўйхатга
олинган.

Марказий банк раисининг
биринчи ўринбосари
Б.Э.Захидов



“АГРОБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

“Агробанк” АТБ Акциядорларининг
2022 йил 11 майдаги навбатдан ташқари
умумий йиғилишининг 47-сонли
баённомаси билан тасдиқланган.

Кузатув кенгаши раиси



А.Я.Хайдаров

**“Агробанк” акциядорлик тижорат банкнинг
2020 йил 7-июлда Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида
78-рақам билан рўйхатга олинган Уставига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар матни**

1. Уставнинг 1-боб, 9-банди биринчи хатбошидаги “қонун ҳужжатлари” деган сўзлар “қонунчилик” деган сўз билан алмаштирилсин;
2. Уставнинг 3-боб, 13-банди биринчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларига” деган сўзлар “қонунчиликка” деган сўз билан алмаштирилсин;
3. Уставнинг 3-боб, 13-банди ўн еттинчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;
4. Уставнинг 3-боб, 14-банди биринчи хатбошидаги “қонунчилик ҳужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;
5. Уставнинг 4-боб, 15-банди учинчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;
6. Уставнинг 4-боб, 16-банди еттинчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;
7. Уставнинг 4-боб, 16-банди тўққизинчи хатбошидаги “қонун ҳужжатлари” деган сўзлар “қонунчилик” деган сўз билан алмаштирилсин;
8. Уставнинг 4-боб, 16-банди ўнинчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларига” деган сўзлар “қонунчилик” деган сўз билан алмаштирилсин;
9. Уставнинг 5-боб, 18-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
“18. Банкнинг устав капитали 8 553 958 922 624 (Саккиз триллион беш юз эллик уч миллиард тўққиз юз эллик саккиз миллион тўққиз юз йигирма икки минг олти юз йигирма тўрт) сўм бўлиб, қуйидагилардан иборат:
а) эгасининг номи ёзилган оддий акциялар 7 323 094 968 (Етти миллиард уч юз йигирма уч миллион тўқсон тўрт минг тўққиз юз олмиш саккиз) дона;
б) эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар 500 000 (Беш юз минг) дона.”
10. Уставнинг 5-боб, 19-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“19.Банк устав капиталини ошириш мақсадида банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари 6 878 774 062 (Олти миллиард саккиз юз етмиш саккиз миллион етти юз етмиш тўрт минг олтмиш икки) дона акциялар, жумладан 500 000 (Беш юз минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли ва 6 878 274 062 (Олти миллиард саккиз юз етмиш саккиз миллион икки юз етмиш тўрт минг олтмиш икки) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

Банк акцияларининг номинал қиймати 1 168 (Бир минг бир юз олтмиш саккиз) сўм.”

11. Уставнинг 6-боб, 22-банди ўн бешинчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларига” деган сўзлар “қонунчиликка” деган сўз билан алмаштирилсин;

12. Уставнинг 7-боб, 29-банди биринчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларига” деган сўзлар “қонунчилигига” деган сўз билан алмаштирилсин;

13. Уставнинг 7-боб, 30-банди биринчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларига” деган сўзлар “қонунчиликка” деган сўз билан алмаштирилсин;

14. Уставнинг 8-боб, 33-банди биринчи хатбошидаги “қонун ҳужжатлари” деган сўзлар “қонунчилик” деган сўз билан алмаштирилсин;

15. Уставнинг 8-боб, 34-банди биринчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;

16. Уставнинг 8-боб, 35-банди биринчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларига” деган сўзлар “қонунчилигига” деган сўз билан алмаштирилсин;

17. Уставнинг 8-боб, 37-банди биринчи хатбошидаги “20 (йигирма)” деган сўзлар “25 (йигирма беш)” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18. Уставнинг 8-боб, 42-банди биринчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларига” деган сўзлар “қонунчиликка” деган сўз билан алмаштирилсин;

19. Уставнинг 8-боб, 42-банди қуйидаги мазмунда учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Банк тузилган шартномага мувофиқ Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали дивидендлар тўловини амалга ошириш ҳуқуқига эга.”

20. Уставнинг 9-боб, 48-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“48. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати банк Кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга

кўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва масофадан туриб электрон овоз беришнинг умумий тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.”

21. Уставнинг 9-боб, 50-банди ўн учинчи хатбошидаги “қонун хужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;
22. Уставнинг 9-боб, 50-банди йигирманчи хатбошидаги “қонун хужжатларига” деган сўзлар “қонунчиликка” деган сўз билан алмаштирилсин;
23. Уставнинг 9-боб, 51-банди тўртинчи хатбошидаги “қонун хужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;
24. Уставнинг 9-боб, 54-банди биринчи хатбошидаги “қонун хужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;
25. Уставнинг 9-боб, 55-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“55. Банк Кузатув кенгаши банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш жараёнида назорат ва текширув вазифасини бажаради ҳамда умуман банкнинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги учун жавобгар ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва мазкур Устав билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Банк Кузатув кенгаши банкни самарали ва тадбирли бошқаришни, шу жумладан банк Бошқаруви аъзолари ўртасида ваколатларнинг ҳамда жавобгарликнинг тақсимланишини, манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини ва бартараф этилишини таъминлайдиган бошқарув ташкилий тузилмасини белгилайди ҳамда унинг жорий этилиши устидан назорат ва текширувни амалга оширади.

Банк Кузатув кенгаши аъзолари банкнинг оқилона корпоратив бошқарувига кўмаклашиши ҳамда ўз ваколатларини ва мажбуриятларини бажариш чоғида банкнинг, унинг омонатчилари ва акциядорларининг қонуний манфаатларини инобатга олиши, шунингдек Марказий банк билан самарали ҳамкорликни таъминлаши керак.

Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва жамиятнинг Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун Кузатув кенгаши аъзолари орасидан кўмиталар ташкил этилиши мумкин.

Кўмиталарни шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби банкнинг Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда белгиланади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра банк Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) банк Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари “Агробанк” АТБ Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган мукофот ва компенсация тўловлари тўғрисида”ги Низомда белгиланади.”

26. Уставнинг 9-боб, 57-банди йигирма учинчи хатбошидаги “қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш” деган сўзлар “ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш” деган сўз билан алмаштирилсин;

27. Уставнинг 9-боб, 57-банди ўттизинчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;

28. Уставнинг 9-боб, 57-банди қирқ учинчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларига” деган сўзлар “қонунчиликка” деган сўз билан алмаштирилсин;

29. Уставнинг 9-боб, 59-банди биринчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;

30. Уставнинг 9-боб, 59-банди биринчи хатбошидаги “бир” деган сўзлар “уч” деган сўз билан алмаштирилсин;

31. Уставнинг 9-боб, 60-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“60. Банк Кузатув кенгашининг таркиби тўққиз аъзодан иборат.

Банк Кузатув кенгаши аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

Банк Кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо, шу жумладан банк соҳасида халқаро тажрибага эга бўлган хорижий мустақил аъзо киритилади, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин. Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг Кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно. Банк Кузатув кенгаши аъзолари ўз мулоҳазаларининг мустақиллиги бўйича талабларга риоя этиши керак.

Банк Кузатув кенгашининг аъзолигига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг вазифасига киришишидан олдин Марказий банк билан келишилади. Қуйидаги ҳолларда шахс Кузатув кенгаши аъзолигига сайланиши мумкин эмас ёки сайланган шахс Кузатув кенгаши аъзолиги ҳуқуқидан маҳрум этилади, агар:

шахс икки ёки ундан ортиқ банкнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлса ёки аъзо бўлиш ниятида бўлса, бундан мазкур банклар бир банк гуруҳига тегишли бўлган ҳоллар мустасно;

шахснинг ваколатлари Марказий банк талабига кўра муддатидан илгари тугатилган бўлса.”

32. Уставнинг 9-боб, 65-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“65. Банк Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум банк Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.”

33. Уставнинг 9-боб, 66-банди биринчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;

34. Уставнинг 9-боб, 70-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“70. Банк Бошқаруви таркибига банк Бошқарув раиси, унинг ўринбосарлари, Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори - бош бухгалтер ва юридик департаменти директори киради. Шунингдек банк Бошқаруви таркибига банкнинг муҳим аҳамиятга эга ходимлари киритилиши мумкин.

Банк Кузатув кенгашининг ва Бошқарувнинг аъзолигига ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимлар лавозимларига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин Марказий банк билан келишилади. Агар муҳим аҳамиятга эга ходимларни объектив сабабларга кўра олдиндан келишиб олишнинг имкони бўлмаса, банк кейинчалик розилик олиш учун сўровнома юборилади.

Бошқарув раиси танлов бўйича саралаш асосида танланади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунчиликка мувофиқ банк Кузатув кенгаши томонидан тайинланади.

Бошқарув раисининг ўринбосарлари ва банк Бошқаруви аъзолари амалдаги қонунчиликка мувофиқ банк Кузатув кенгаши томонидан ўрнатилган тартибда тайинланади. Банк Бошқаруви раиси ва банк Бошқаруви аъзолари банк Кузатув кенгаши томонидан ўрнатилган тартибда лавозимидан озод қилинади.

Банк Бошқаруви раиси ва аъзолари билан меҳнат шартномаси уч йил муддатга тузилади.”

35. Уставнинг 9-боб, 71-банди тўққизинчи хатбошидаги “қонун ҳужжатлари” деган сўзлар “қонунчилик” деган сўз билан алмаштирилсин;

36. Уставнинг 9-боб, 71-банди йигирма учинчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;

37. Уставнинг 9-боб, 71-банди йигирма саккизинчи хатбошидаги “қонун ҳужжатлари” деган сўзлар “қонунчилик” деган сўз билан алмаштирилсин;

38. Уставнинг 9-боб, 71-банди қирқ учинчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларига” деган сўзлар “қонунчилигига” деган сўз билан алмаштирилсин;

39. Уставнинг 9-боб, 75-банди биринчи хатбошидаги “қонун ҳужжатлари” деган сўзлар “қонунчилик” деган сўз билан алмаштирилсин;

40. Уставнинг 10-боб, 80-банди биринчи хатбошидаги “Банк филиаллари рўйхати мазкур Уставга илова қилинади” деган сўзлар “Банк филиаллари рўйхати янги таҳрири мазкур Уставга илова қилинади” деган сўз билан алмаштирилсин;
41. Уставнинг 11-боб, 90-банди биринчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;
42. Уставнинг 11-боб, 92-банди биринчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;
43. Уставнинг 12-боб, 97-банди тўртинчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларига” деган сўзлар “қонунчиликка” деган сўз билан алмаштирилсин;
44. Уставнинг 12-боб, 101-банди биринчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларига” деган сўзлар “қонунчиликка” деган сўз билан алмаштирилсин;
45. Уставнинг 12-боб, 101-банди биринчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;
46. Уставнинг 12-боб, 103-банди биринчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;
47. Уставнинг 12-боб, 105-банди биринчи хатбошидаги “қонун ҳужжатларига” деган сўзлар “қонунчиликка” деган сўз билан алмаштирилсин;
48. Уставнинг 15-боб, 110-банди биринчи хатбошидаги “қонун ҳужжатлари” деган сўзлар “қонунчилик” деган сўз билан алмаштирилсин;

Банк филиаллари рўйхати янги таҳрири мазкур Уставга илова қилинади

Мфо	Филиалнинг тўлиқ номи
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси	Худудий филиал
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси	Кегейли филиали
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси	Шуманай филиали
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси	Қўнғирот филиали
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси	Мўйноқ филиали
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси	Нукус филиали
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси	Тахтакўпир филиали
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси	Тўрткўл филиали
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси	Хўжайли филиали
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси	Чимбой филиали
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси	Беруний филиали
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси	Қонликўл филиали
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси	Қораўзак филиали
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси	Элликқалъа филиали
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси	Амударё филиали
Андижон вилоят бошқармаси	Пахтаобод филиали
Андижон вилоят бошқармаси	Асака филиали
Андижон вилоят бошқармаси	Мархамат филиали
Андижон вилоят бошқармаси	Шахрихон филиали
Андижон вилоят бошқармаси	Жалақудук филиали
Андижон вилоят бошқармаси	Хўжаобод филиали
Андижон вилоят бошқармаси	Избоскан филиали
Андижон вилоят бошқармаси	Олтинкўл филиали
Андижон вилоят бошқармаси	Бўстон филиали
Андижон вилоят бошқармаси	Улуғнор филиали
Андижон вилоят бошқармаси	Қўрғонтепа филиали
Андижон вилоят бошқармаси	Андижон филиали
Андижон вилоят бошқармаси	Булоқбоши филиали
Андижон вилоят бошқармаси	Балиқчи филиали
Андижон вилоят бошқармаси	Худудий филиал
Бухоро вилоят бошқармаси	Худудий филиал
Бухоро вилоят бошқармаси	Олот филиали
Бухоро вилоят бошқармаси	Вобкент филиали
Бухоро вилоят бошқармаси	Ғиждувон филиали
Бухоро вилоят бошқармаси	Шофиркон филиали
Бухоро вилоят бошқармаси	Қоракўл филиали
Бухоро вилоят бошқармаси	Ромитан филиали
Бухоро вилоят бошқармаси	Жондор филиали
Бухоро вилоят бошқармаси	Бухоро филиали
Бухоро вилоят бошқармаси	Пешку филиали
Жаъзах вилоят бошқармаси	Жиззах филиали
Жаъзах вилоят бошқармаси	Арнасой филиали
Жаъзах вилоят бошқармаси	Зарбдор филиали
Жаъзах вилоят бошқармаси	Худудий филиал
Жаъзах вилоят бошқармаси	Пахтакор филиали

Жиззах вилоят бошқармаси	Ғаллаорол филиали
Жиззах вилоят бошқармаси	Дўстлик филиали
Жиззах вилоят бошқармаси	Мирзачўл филиали
Жиззах вилоят бошқармаси	Зомин филиали
Жиззах вилоят бошқармаси	Бахмал филиали
Жиззах вилоят бошқармаси	Фориш филиали
Жиззах вилоят бошқармаси	Зафаробод филиали
Қашқадарё вилоят бошқармаси	Худудий филиал
Қашқадарё вилоят бошқармаси	Ғузур филиали
Қашқадарё вилоят бошқармаси	Дехқонобод филиали
Қашқадарё вилоят бошқармаси	Қамаши филиали
Қашқадарё вилоят бошқармаси	Косон филиали
Қашқадарё вилоят бошқармаси	Шахрисабз филиали
Қашқадарё вилоят бошқармаси	Яккабоғ филиали
Қашқадарё вилоят бошқармаси	Қарши филиали
Қашқадарё вилоят бошқармаси	Чирокчи филиали
Қашқадарё вилоят бошқармаси	Китоб филиали
Қашқадарё вилоят бошқармаси	Касби филиали
Қашқадарё вилоят бошқармаси	Нишон филиали
Қашқадарё вилоят бошқармаси	Миришкор филиали
Қашқадарё вилоят бошқармаси	Муборак филиали
Навоний вилоят бошқармаси	Худудий филиал
Навоний вилоят бошқармаси	Конимех филиали
Навоний вилоят бошқармаси	Кармана филиали
Навоний вилоят бошқармаси	Қизилтепа филиали
Навоний вилоят бошқармаси	Нурота филиали
Навоний вилоят бошқармаси	Томди филиали
Навоний вилоят бошқармаси	Навбахор филиали
Навоний вилоят бошқармаси	Хатирчи филиали
Наманган вилоят бошқармаси	Худудий филиал
Наманган вилоят бошқармаси	Мингбулоқ филиали
Наманган вилоят бошқармаси	Косонсой филиали
Наманган вилоят бошқармаси	Норин филиали
Наманган вилоят бошқармаси	Поп филиали
Наманган вилоят бошқармаси	Тўрақўрғон филиали
Наманган вилоят бошқармаси	Уйчи филиали
Наманган вилоят бошқармаси	Учқўрғон филиали
Наманган вилоят бошқармаси	Чуст филиали
Наманган вилоят бошқармаси	Янгикўрғон филиали
Наманган вилоят бошқармаси	Наманган филиали
Наманган вилоят бошқармаси	Чортоқ филиали
Наманган вилоят бошқармаси	Давлатобод филиали
Самарқанд вилоят бошқармаси	Оқдарё филиали
Самарқанд вилоят бошқармаси	Нарпай филиали
Самарқанд вилоят бошқармаси	Жомбой филиали
Самарқанд вилоят бошқармаси	Пастдарғом филиали
Самарқанд вилоят бошқармаси	Каттақўрғон филиали
Самарқанд вилоят бошқармаси	Худудий филиал
Самарқанд вилоят бошқармаси	Сиёб филиали

Самарқанд вилоят бошқармаси	Булунғур филиали
Самарқанд вилоят бошқармаси	Нуробод филиали
Самарқанд вилоят бошқармаси	Пахтачи филиали
Самарқанд вилоят бошқармаси	Ургут филиали
Самарқанд вилоят бошқармаси	Гўзалкент филиали
Самарқанд вилоят бошқармаси	Иштихон филиали
Самарқанд вилоят бошқармаси	Кўшробод филиали
Самарқанд вилоят бошқармаси	Пайариқ филиали
Самарқанд вилоят бошқармаси	Тойлоқ филиали
Самарқанд вилоят бошқармаси	Самарқанд филиали
Сурхондарё вилоят бошқармаси	Худудий филиал
Сурхондарё вилоят бошқармаси	Бойсун филиали
Сурхондарё вилоят бошқармаси	Жарқўргон филиали
Сурхондарё вилоят бошқармаси	Музробод филиали
Сурхондарё вилоят бошқармаси	Шеробод филиали
Сурхондарё вилоят бошқармаси	Шўрчи филиали
Сурхондарё вилоят бошқармаси	Узун филиали
Сурхондарё вилоят бошқармаси	Ангор филиали
Сурхондарё вилоят бошқармаси	Қизириқ филиали
Сурхондарё вилоят бошқармаси	Қумқўргон филиали
Сурхондарё вилоят бошқармаси	Термиз филиали
Сурхондарё вилоят бошқармаси	Олтинсой филиали
Сурхондарё вилоят бошқармаси	Сариосиё филиали
Сурхондарё вилоят бошқармаси	Денов филиали
Сурхондарё вилоят бошқармаси	Худудий филиал
Сирдарё вилоят бошқармаси	Сардоба филиали
Сирдарё вилоят бошқармаси	Сирдарё филиали
Сирдарё вилоят бошқармаси	Янгиер филиали
Сирдарё вилоят бошқармаси	Боёвут филиали
Сирдарё вилоят бошқармаси	Ширин филиали
Сирдарё вилоят бошқармаси	Гулистон филиали
Сирдарё вилоят бошқармаси	Сайхунобод филиали
Сирдарё вилоят бошқармаси	Оқолтин филиали
Сирдарё вилоят бошқармаси	Ховос филиали
Фарғона вилоят бошқармаси	Худудий филиал
Фарғона вилоят бошқармаси	Олтиариқ филиали
Фарғона вилоят бошқармаси	Боғдод филиали
Фарғона вилоят бошқармаси	Фарғона филиали
Фарғона вилоят бошқармаси	Данғара филиали
Фарғона вилоят бошқармаси	Учкўприк филиали
Фарғона вилоят бошқармаси	Бешариқ филиали
Фарғона вилоят бошқармаси	Кўштепа филиали
Фарғона вилоят бошқармаси	Қувасой филиали
Фарғона вилоят бошқармаси	Риштон филиали
Фарғона вилоят бошқармаси	Тошлоқ филиали
Фарғона вилоят бошқармаси	Бувайда филиали
Фарғона вилоят бошқармаси	Марғилон филиали
Фарғона вилоят бошқармаси	Қува филиали
Фарғона вилоят бошқармаси	Ўзбекистон филиали
Фарғона вилоят бошқармаси	Ёзёвон филиали

Фарғона вилоят бошқармаси	Сўх филиали
Фарғона вилоят бошқармаси	Кўкон филиали
Тошкент вилоят бошқармаси	Оҳангарон филиали
Тошкент вилоят бошқармаси	Оққўрғон филиали
Тошкент вилоят бошқармаси	Бўка филиали
Тошкент вилоят бошқармаси	Бекобод филиали
Тошкент вилоят бошқармаси	Пискент филиали
Тошкент вилоят бошқармаси	Қуйичирчиқ филиали
Тошкент вилоят бошқармаси	Тошкент вилояти ҳудудий филиали
Тошкент вилоят бошқармаси	Чиноз филиали
Тошкент вилоят бошқармаси	Юқоричирчиқ филиали
Тошкент вилоят бошқармаси	Паркент филиали
Тошкент вилоят бошқармаси	Янгийўл филиали
Хоразм вилоят бошқармаси	Худудий филиал
Хоразм вилоят бошқармаси	Гурлан филиали
Хоразм вилоят бошқармаси	Боғот филиали
Хоразм вилоят бошқармаси	Хазорасп филиали
Хоразм вилоят бошқармаси	Хонқа филиали
Хоразм вилоят бошқармаси	Янгиариқ филиали
Хоразм вилоят бошқармаси	Қўшқўпир филиали
Хоразм вилоят бошқармаси	Шовот филиали
Хоразм вилоят бошқармаси	Урганч филиали
Хоразм вилоят бошқармаси	Янгибозор филиали
Тошкент шаҳри	Марказий амалиётлар бошқармаси
Тошкент шаҳри	Тошкент шаҳар филиали
Тошкент шаҳри	Шайхонтоҳур филиал
Тошкент шаҳри	Fresh филиали

Бошқаруви раисининг
Биринчи ўринбосари в.б.

Э.А.Кахоров



“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Ўзбекистон Республикасининг
Марказий банкида
2023 йил “ 8 ” август да
78-4 рақам билан рўйхатга
олинган.

Марказий банк раисининг
биринчи ўринбосари
Н.Н.Сайдуллаев



“АГРОБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

“Агробанк” АТБ Акциядорларининг
2023 йил 27 июндаги навбатдаги йиллик
умумий йиғилишининг 50-сонли
баённомаси билан тасдиқланган.



Қўзатув кенгаши раиси

А.Я.Хайдаров

*“Агробанк” АТБ акциядорларининг
2023 йил 27 июндаги навбатдаги
йиллик умумий йиғилишининг 50-сонли
баённомасига 7-илова*

**“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг
2020 йил 7-июлда Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида
78-рақам билан рўйхатга олинган Уставига киритилаётган
ўзгартиришлар матни**

1. Уставнинг 9-боб, 47-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“47. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай, одатда йилнинг 25 июнь санасида ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида банк Кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек банкнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш, фойда ва зарарларни тақсимлаш, банк Бошқаруви ва банк Кузатув кенгашининг банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чоратadbирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлари ҳисобланади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши банк Кузатув кенгаши қарори билан унинг ўз ташаббусига биноан, шунингдек банкнинг овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар)нинг талаби билан ўтказилади. Шунингдек, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун талабларига мувофиқ Марказий банк акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришга ва кун тартибини белгилашга ҳақли.

Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) банкнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда банк Кузатув кенгашига ушбу кенгашнинг сон таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли, бундан Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно. Акциядорлар (акциядор) банк Кузатув кенгаши ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли.”

2. Уставнинг 9-боб, 50-банди, “з” кичик банди чиқариб ташлансин;

3. Уставнинг 9-боб, 50-банди, “л” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“л) банк Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан банкни бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан банк Кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;”

4. Уставнинг 9-боб, 50-банди, “т” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“т) қонунчиликка мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар банк Кузатув кенгаши ва Бошқарувига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.”

5. Уставнинг 9-боб, 57-банди ўн тўртинчи хатбошидаги “корпоратив маслаҳатчини ва корпоратив котибни” деган сўзлар “корпоратив бошқарув хизмати ходимларини” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6. Уставнинг 9-боб, 57-банди ўн саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

7. Уставнинг 9-боб, 60-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“60. Банк Кузатув кенгашининг таркиби тўққиз аъзодан иборат.

Банк Кузатув кенгаши аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

Банк Кузатув кенгаши таркибига уч нафар мустақил аъзолар киритилади, ушбу аъзолар ҳар йили қайта сайланиши мумкин.

Бунда Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар, банкнинг Кузатув кенгаши томонидан, қоида тариқасида, акциядорлар умумий йиғилишида кўриб чиқилиши учун танлов асосида кўрсатилади.

Қуйидагилар Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас:

сўнгги уч йил ичида банкда ва (ёки) банкнинг аффилиланган шахсларида ишлаган шахс;

банк овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилиланган шахслар орқали) акциядор;

банкнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

сўнгги уч йил ичида банкка ва (ёки) банкнинг аффилиланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;

кетма-кет олти йил давомида банкнинг Кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;

банк ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;

банкнинг Бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг яқин қариндоши ёки куда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;

банкнинг уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

Банк банкнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган мустақил аъзоларнинг реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида эълон қилади.

Банк Кузатув кенгаши мустақил аъзоларининг реестрини юритиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Банк Кузатув кенгаши мустақил аъзосининг юқорида ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган талабларга мувофиқлиги ўзгарган тақдирда, у банкни ва Кузатув кенгашини бу ҳақда икки иш куни ичида хабардор қилиши шарт. Бу ҳолда ушбу бандда белгиланган тартибда бошқа номзод мустақил аъзо сифатида таклиф этилади.

Банк Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси Кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан бир қаторда қонунчиликда белгиланган тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади

Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг Кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно. Банк Кузатув кенгаши аъзолари ўз мулоҳазаларининг мустақиллиги бўйича талабларга риоя этиши керак.

Банк Кузатув кенгашининг аъзолигига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг вазифасига киришишидан олдин Марказий банк билан келишилади. Қуйидаги ҳолларда шахс Кузатув кенгаши аъзолигига сайланиши мумкин эмас ёки сайланган шахс Кузатув кенгаши аъзолиги ҳуқуқидан маҳрум этилади, агар:

шахс икки ёки ундан ортиқ банкнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлса ёки аъзо бўлиш ниятида бўлса, бундан мазкур банклар бир банк гуруҳига тегишли бўлган ҳоллар мустасно;

шахснинг ваколатлари Марказий банк талабига кўра муддатидан илгари тугатилган бўлса.”

8. Уставнинг 9-боб, 64-бандидаги “тафтиш комиссияси аъзосининг” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9. Уставнинг 9-боб, 70-банди биринчи хат бошидаги “Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори - бош бухгалтер” деган сўзлар “Молиявий директор” деган сўз билан алмаштирилсин;
10. Уставнинг 9-боб, 70-банди учинчи хат боши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
- “Бошқарув раиси ва аъзолари танлов бўйича саралаш асосида танланади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ банк Кузатув кенгаши томонидан тайинланади ва ўрнатилган тартибда лавозимидан озод қилинади.”
11. Уставнинг 9-боб, 70-банди тўртинчи хат боши чиқариб ташлансин;
12. Уставнинг 9-боб, 71-банди ўн бешинчи хат боши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
- “банкнинг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан ваколатларни ва жавобгарликни банк ходимлари ўртасида ўз ваколатлари доирасида тақсимлаши;”
13. Уставнинг 9-боб, 71-банди ўн еттинчи хатбошидаги “, шунингдек улар фаолиятини тафтиш қилиш ва” деган сўзлар чиқариб ташлансин;
14. Уставнинг 9-боб, 71-банди ўттиз учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
- “акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган ташкилий тузилмаси асосида бошқарувнинг таркибий тузилмаларини шакллантиради;”
15. Уставнинг 9-боб, 71-банди ўттиз олтинчи хатбошидаги “қонунчилигига” деган сўз “қонунчиликка” деган сўз билан алмаштирилсин;
16. Уставнинг 9-боб, 73-бандидаги “ва банк бош бухгалтери” деган сўзлар чиқариб ташлансин;
17. Уставнинг 9-боб, 77-банди қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:
- “Агар банк Бошқарувининг аъзолари томонидан йирик битим ёки аффилиланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида банкга зарар етказилган бўлса ва бунда банк Бошқаруви раисининг ёки Бошқарув аъзоларининг ёхуд ишончли бошқарувчининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, банкнинг кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда банкнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.”
18. Уставнинг 12-боб, 93-банди чиқариб ташлансин;
19. Уставнинг 12-боб, 94-банди чиқариб ташлансин;
20. Уставнинг 12-боб, 95-банди чиқариб ташлансин;
21. Уставнинг 12-боб, 96-банди чиқариб ташлансин;
22. Уставнинг 12-боб, 97-банди чиқариб ташлансин;

